

в) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддати 5 йил (2020-2024 йиллар) этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш юзасидан масъул ижрочи ҳисобланади;

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ томонидан Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЈСА) қарз маблағларини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан сўнг бошланади;

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ инвестиция лойиҳасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ажратган қарзлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ташаббускор ҳисобланади;

инвестиция лойиҳаси учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ажратган қарзларни қайтариш, фоиз ҳамда воситачилик ва бошқа харажатлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) томонидан ажратилган қарзлардан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш юзасидан “MUFJ Bank, Ltd” (Япония) банки билан банклараро битимни тузиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (молиявий агент), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ ўртасидаги қарзлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги агентлик битимини Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш ваколати берилсин.

5. “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖга инвестиция лойиҳаси доирасида бош пудратчини танлаб олиш учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер ўтказиш ва тендер қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолаш бўйича консалтинг хизматлари учун, истисно тариқасида, тендер ўтказмасдан “Tokyo Electric Power Services Co., Ltd” (Япония) компанияси билан 589,0 миллион япон иенаси миқдоридан тўғридан-тўғри шартнома тузишга руҳсат берилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов